

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

544 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 15 майдаги ПҚ–1112-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Кадастр хизматларини кўрсатиш тартибини янада соддалаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 7 апрелдаги ПФ–4609-сонли Фармонини бажариш юзасидан республика Ҳукумати то-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

45 (649)-сон

— 7 —

544-модда

монидан Кадастр хужжатларини расмийлаштириш ва техник инвентаризация бўйича давлат хизматлари қийматини аниқлаш тартиби тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 15 майдаги ПҚ–1112-сонли қарорининг 1-банди ва унинг 1-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 4 ноябрь,
ПҚ–2259-сон